Fred Hutchinson Cancer Research Center
Вашингтон Университети

**Илмий Тадқиқотда иштирок этиш учун Қисқа Кўринишдаги Розилик**

Баённома Тартиб Рақами: ____________________________________________

Етакчи Тадқиқотчи Исми-шарифи: ____________________________________

*Агарда сиз қонунан маъқулланган вакил, васий сифатида хизмат қилаётган, ёки ушбу тадқиоқтда болага ота-она розилигини бераётган бўлсангиз, "сиз" ва "сизнинг" терминлари сиз томонингиздан розилик ёки ота-она розилиги берилаётган шахсга тегишли бўлади.*

## Илмий тадқиқотга қўшилишингиз сўралмоқда

Тадқиқотга қўшилиш ёки қўшилмаслигингизга шошилмай қарор қилишингиз керак. Оилангиз ва дўстларингиз билан қарорни муҳокама қилишингиз лозим.

Қўшилишга рози бўлишдан аввал, биз сизга қуйидагиларни тушунтирамиз:

1. Нима учун тадқиқот олиб борилмоқда;
2. Тадқиқот ва синаб кўрилаётган ҳар қанақанги иш жараёнлари давомида нима рўй беради;
3. Тадқиқотга қўшилишнинг олдиндан кўрса бўладиган хавфлари ва фойдалари;
4. Тадқиқотга қўшилишнинг бошқа танловлари ҳамда улардан келиб чиқувчи хатарлар ва фойдалар;
5. Сизнинг холислигингиз ва махфийлигингиз қандай ҳимояланади.
6. Саволлар юзасидан кимга мурожаат қилиш керак.

Зарурат ҳолларда, биз шунингдек қуйидагиларни тушунтирамиз:

1. Тадқиқотда шикастлансангиз даъволаниш учун ким тўлайди;
2. Биз ҳали билмайдиган хавфлар эҳтимоли;
3. Сиз нима учун тадқиқотдан четлатилишингиз мумкин;
4. Тадқиқотда иштирок этиш учун ҳар қандай харажатлар;
5. Тадқиқотни ташлашга қарор қилсангиз, нима бўлади;
6. Тадқиқотга тегишли янги топилмалар тўғрисида қачон ўрганасиз;
7. Тадқиқот учун қанча киши мўлжалланган;
8. Сиз иштирок этишингиз мумкин бўлган ҳар қандай ихтиёрий тадқиқотлар.

Ушбу клиник текширув таърифини АҚШ қонунида талаб қилинганидек www.clinicaltrials.gov дан олиш мумкин бўлади.  Ушбу Веб саҳифа сизни танитувчи маълумотларни ўз ичига олмайди.  Кўпинча, Веб саҳифа н атижалар йиғиндисини ўз ичига олади.  Сиз истаган вақтда ушбу Веб саҳифадан қидиришингиз мумкин.

Fred Hutchinson Cancer Research Center
Вашингтон Университети

## Илмий Тадқиқотда иштирок этиш учун Қисқа Кўринишдаги Розилик

### Ҳуқуқларингиз

Ушбу тадқиқотга қўшилишингиз шарт эмас. Сиз ҳа ёки йўқ дейиш эркинлигига эгасиз. Агар сиз ушбу тадқиқотга қўшилсангиз, унда қолишингиз шарт эмас. Сиз истаган вақтда тўхташингиз мумкин (ҳатто бошлашдан олдин ҳам). Йўқ дейишга ёки тўхташга жарима солинмайди. Мунтазам тиббий ёрдамингиз ўзгармайди.

Агар сиз тадқиқот давомида касал бўлиб қолсангиз ёки шикастлансангиз, ушбу формани имзолаш билан тўлов сўраш бўйича ҳеч қандай қонуний ҳуқуқингизни йўқотмайсиз.

Агарда сиз қўшилишга рози бўлсангиз, ушбу форма нусхасини ва тадқиқот учун Инглиз тили розилиги нусхасини оласиз.

### Кўпроқ маълумот учун

Сиз етакчи тадқиқотчига ____________________________________ да __________________________________ тадқиқот ёки тадқиқотга дахлдор шикастланиш тўғрисида саволларингиз бўлган ҳар қандай вақтда мурожаат қилишингиз мумкин.

Агарда шикастланганингизда нима қилиш бўйича ёки тадқиқот мавзуси сифатида ҳуқуқларингиз тўғрисида саволларингиз бўлса, Фред Хутчинсон (Fred Hutchinson) Саратон касаллиги Тадқиқот Марказидаги Ташкилотнинг Эксперт Кенгаши Директори Карен Хансенга 206-667-4867 рақами бўйича мурожаат қилишингиз мумкин.

### Имзо

Ушбу формани имзоласангиз, бу сизга тадқиқотни таърифлаганимизни, ва сиз ихтиёрий иштирок этишга рози бўлганингизни англатади.

_____________________________________________ _________________

Имкон бўлса, Иштирокчининг ёки Қонуний Ваколатли Вакилнинг Босма шаклдаги Исми ва Имзоси — Сана

_____________________________________________________________

Имкони бўлса, Қонуний Ваколатли Вакилнинг Иштирокчига алоқаси

_____________________________________________ _________________

Оғзаки таржимон/Гувоҳнинг Босма шаклдаги Исми ва Имзоси — Сана